

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ  
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.03/30.12.2019.F.01.05 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ**

**АБДУЛЛАЕВ АБДУРАСУЛ АБДУЛПАТТАЕВИЧ**

**БАҒРИКЕНГЛИК МАДАНИЯТИНИНГ ИСЛОМ ДИНИДА  
НАМОЁН БЎЛИШ ХУСУСИЯТЛАРИ**

**09.00.02 - Онг, маданият ва амалиёт шакллари фалсафаси (Дин фалсафаси)**

**Фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2021**

**Фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по  
философским наукам**

**Contents of Dissertation Abstract of the Doctor of Philosophy (PhD) on  
philosophical sciences**

**Абдуллаев Абдурасул Абдулпаттаевич**

Бағрикенглик маданиятининг ислом динида намоён бўлиш хусусиятлари.....3

**Абдуллаев Абдурасул Абдулпаттаевич**

Особенности проявления культуры толерантности в исламской религии ..... 24

**Abdullaev Abdurasul Abdulpattaevich**

Features of manifestation in the Islamic religion of a culture of tolerance..... 44

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ

List of published works ..... 47

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ  
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.03/30.12.2019.F.01.05 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ**

**АБДУЛЛАЕВ АБДУРАСУЛ АБДУЛПАТТАЕВИЧ**

**БАҒРИКЕНГЛИК МАДАНИЯТИНИНГ ИСЛОМ ДИНИДА  
НАМОЁН БЎЛИШ ХУСУСИЯТЛАРИ**

**09.00.02 - Онг, маданият ва амалиёт шакллари фалсафаси (Дин фалсафаси)**

**Фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2021**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида 28.03.2019/В2019.3.Ф352 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Ўзбекистон Миллий университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (ik-falsafa@nuu.uz) ва «Ziyonet» Ахборот таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

<b>Илмий раҳбар:</b>	<b>Ўтамуродов Акбар Ўтамуродович</b> фалсафа фанлари номзоди, профессор
<b>Расмий оппонентлар:</b>	<b>Саифназаров Исмоил Саифназарович</b> фалсафа фанлари доктори, профессор <b>Мухамедов Неъматулла Асатуллаевич</b> тарих фанлари доктори, доцент
<b>Етакчи ташкилот:</b>	<b>Бухоро давлат университети</b>

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Миллий университети ҳузуридаги DSc.03/30.12.2019.F.01.05 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил «7» июль, соат 12.00 даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Университет кўчаси, 4-уй. Ўзбекистон Миллий университети Ижтимоий фанлар факультети биноси, 5-қават, 511-хона.) Тел.: (99871) 227-12-24; факс: (99871) 246-53-21, (99871) 246-02-24; e-mail: nauka@nuu.uz.

Диссертация билан Ўзбекистон Миллий университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (42 рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Университет кўчаси, 4-уй. ЎзМУ Маъмурий биноси, 2-қават, 4-хона. Тел.: (99871) 236-46-55; факс: (99871) 246-02-24.

Диссертация автореферати 2021 йил «23» июнда тарқатилди.  
(2021 йил «23» июндаги 42 рақамли реестр баённомаси).



**И. Эргашев**

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси, с.ф.д., профессор

**Г.М.Рузматова**

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш котиби, ф.ф.д., профессор

**О.Ж.Нишанова**

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, ф.ф.д., доцент

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳоннинг ривожланаётган давлатларида замонавий билимлар билан бир қаторда диний билимларнинг ривожига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бугунги кунда ҳақиқий дин моҳиятидан анчагина йироқ бўлган янги диний йўналишлар ўз ғояларини ёшлар онгига технологик воситалар орқали сингдириш, ёшларни дин ҳақидаги тасаввуридан янглиштириш, турли фирқа ва оқимларга аъзо бўлишга даъват этиш ҳолатлари кўп кузатилмоқда. Шу боис, эътиқод эркинлиги, одамларнинг миллати, диний мансублигидан қатъи назар, бир-бирига нисбатан ўзаро ҳурмат, бағрикенглик руҳида мураса маданиятини шакллантиришга, дунёда тинчликни сақлаш бўйича халқаро ҳамкорликни ривожлантиришга эҳтиёж ошиб бормоқда. Зеро, жаҳон маънавий маданияти тизимида диний бағрикенглик, миллатлараро тотувликни шакллантириш, хусусан, ёшларда билим ва эътиқод мутаносиблигини тарбиялаш долзарб аҳамиятга эга.

Дунёнинг бир қатор илғор илмий тадқиқот институтлари, жумладан, АҚШнинг Лос-Анджелесдаги «Бағрикенглик музейи», «Глобал ҳамкорлик институти», «Бағрикенглик таълим маркази», «Германия академик алмашувлар хизмати», Венгриянинг Марказий Европа университети қошидаги «Динларни ўрганиш маркази», Гонконгнинг Холокост ва «Бағрикенглик маркази» ва бошқаларда диний бағрикенгликнинг моҳиятини ўрганиш, динлараро бағрикенглик, одамларнинг бир-бирига нисбатан сабр-тоқатли бўлишини таъминлаш механизмларини такомиллаштириш бўйича илмий изланишлар олиб борилмоқда. Шу боисдан ҳам жаҳоннинг машҳур диншунос, исломшунос олимлари ислом дини мисолида бағрикенглик маданиятини юксалтиришнинг янги йўллари ва инновацион воситаларини излаб топишга ҳаракат қилмоқдалар. Шунингдек, ижтимоий, иқтисодий ва маънавий соҳаларда интеграллашув ҳамда глобаллашув жараёни жадал кечаётган бир даврда диний мазмундаги виртуал таҳдидларнинг сиёсий мазмун-моҳиятини ўрганиш йўналишидаги тадқиқотларни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратиш тобора долзарб аҳамият касб этмоқда.

Ўзбекистонда ижтимоий барқарорликни сақлаш, миллатлараро ва динлараро ҳамжиҳатликни янада мустаҳкамлаш, одамларнинг эътиқод ҳуқуқини ҳимоя қилиш бугунги кундаги муҳим вазифалардан бири ҳисобланади. Зеро, «Биз бутун жаҳон жамоатчилигига ислом динининг асл инсонпарварлик моҳиятини етказишни энг муҳим вазифа, деб ҳисоблаймиз. Биз муқаддас динимизни азалий қадриятларимиз мужассамининг ифодаси сифатида беҳад қадрлаймиз»<sup>1</sup>. Шу нуқтаи назардан, Ўзбекистонда миллатлараро тотувлик ва ҳамжиҳатликни таъминлаш, фуқаролар ўртасидаги муносабатларни яхшилаш, уларда ватанпарварлик туйғулари кучайишига сабаб бўладиган бир қатор хайрли ишлар амалга оширилмоқда.

<sup>1</sup>Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида «Маърифат ва диний бағрикенглик» деб номланган махсус резолюцияни қабул қилиш таклифи билан муурожаат қилган нутқи. <https://religions.uz/news/detail?id=589>

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сон, 2017 йил 19 майдаги «Миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқаларини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5046-сон, 2018 йил 16 апрелдаги «Диний-маърифий соҳа фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5416-сон фармонлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 23 июндаги «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида Ўзбекистондаги Ислом цивилизацияси марказини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-3080-сон, 2017 йил 15 декабрдаги «Ўзбекистон Ислом академиясини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-3433-сон қарорлари, БМТ Бош Ассамблеясининг 2018 йил 12 декабрдаги ялпи сессиясида қабул қилинган «Маърифат ва диний бағрикенглик» тўғрисидаги махсус резолюцияси ва мавзуга оид бошқа меъерий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертация муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. «Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни ривожлантириш» устувор йўналиши доирасида амалга оширилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг «Муқаддас динимиз бундан буён ҳам халқимизни бирлаштириб, миллати ва тилидан қатъи назар, маънавий покланиш, одамларни тинчлик, эзгулик, бағрикенглик, ўзаро ҳурмат ва тотувликка ундайдиган, ўрнини ҳеч нарса боса олмайдиган восита бўлиб хизмат қилиши шубҳасиздир»<sup>2</sup>, деган концептуал ғояси, замонавий шахсни тарбиялашда ислом дини маърифий ғояларининг аҳамияти борасидаги фикр-мулоҳазалари мазкур тадқиқотга илмий-методологик асос бўлиб хизмат қилди<sup>3</sup>.

Инсоният тараққиётининг барча даврларида дин шахслараро бағрикенгликни таъминлаш омили сифатида муҳим аҳамият касб этган. Қадимий диний китоблар - Авесто, Ведалар, Библия ва Қуръони каримда бағрикенглик маданиятини шакллантиришга оид ғоялар илгари сурилган. Хусусан, «Зардуштийлик ахлоқида эзгулик ва ёвузлик, ёруғлик ва зулмат,

<sup>2</sup> Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. – Тошкент: Ўзбекистон, 2017. – 31 б.

<sup>3</sup> Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. – Тошкент: Ўзбекистон, 2016. – 56 б.; Мирзиёев Ш.М. Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш – юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови. – Тошкент: Ўзбекистон, 2017. – 48 б.; Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қонидаси бўлиши керак. – Тошкент: Ўзбекистон, 2017. – 104 б.; Мирзиёев Ш.М. Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз. – Тошкент: Ўзбекистон, 2017. – 488 б.; Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. – Тошкент: Ўзбекистон, 2017. – 591 б.

ҳақиқат ва ёлғон ўртасидаги кураш»<sup>4</sup> ҳақидаги ғоялар инсоният давомийлигини таъминлашда бағрикенгликнинг аҳамиятига ишорадир. Буддизмда «Инсонларнинг тенглиги ғояси, монархнинг давлатни адолат билан бошқаришида, сабрлилик»<sup>5</sup>нинг улуғланиши, шахслараро муносабатларни бағрикенглик билан давом эттириш мумкинлигининг далилидир. Христианларнинг Инжил китобидаги: «Душманларингизни севинглар, сиздан нафратланганга яхшилик қилинглар. Сизга қарғиш ёғдирганга дуо ўқинглар. Сизга озор берганлар учун ибодат қилинглар»<sup>6</sup>, деган ғояси инсонлараро бағрикенгликка даъватдир. Мусулмонларнинг муқаддас китоби Қуръони карим сураларида «Динга мажбур қилиш йўқ»<sup>7</sup> (Бақара, 256-оят), «Уларнинг Аллоҳдан ўзга ибодат қиладиганларини сўкмангиз!»<sup>8</sup> (Анъом, 108-оят), «Эй мўминлар! Сизлар аҳли Китоблар билан фақат энг чиройли услубда мунозара қилинглар»<sup>9</sup> (Анкабут, 46-оят) каби оятлар инсонлараро бағрикенглик ғояларининг ёрқин ифодасидир. Демак, барча динларда инсон қадри улуғланади.

Бағрикенгликнинг жамият тараққиёти ва инсон маънавий камолотидаги ўрни Абу Наср Форобий, Абу Райҳон Беруний, Хожа Аҳмад Яссавий, Амир Темур, Мирзо Улуғбек, Алишер Навоий, Абдурауф Фитрат ва Маҳмудхўжа Бехбудий каби ўз даврининг етук алломалари асарларида ҳам очиб берилган.<sup>10</sup> Берунийнинг «Ҳиндистон» асарида халқлар дўст, иттифоқ бўлиб яшашлари лозимлиги тарғиб қилинган, қирғин келтирувчи урушлар қораланган. Абу Наср Форобийнинг «Фозил шаҳар табиатан соғлом бўлган инсонлар гуруҳининг бир-бирлари билан ҳамкорлик қилиш йўлини афзал билганлари»<sup>11</sup> деган фикри, бир томондан, жамиятдаги барқарорликни таъминлашга хизмат қилса, иккинчи томондан, уларнинг ягона мақсад сари жамоанинг умумий фаровонлигини яратиш учун ҳаракатини ифодалайди. Аҳмад Яссавий ҳам «Ҳикматлар» асарида: «Суннат эрмиш, кофир бўлса берма озор, Кўнгли қаттиқ дилозордан худо безор» деб, динсизга ҳам озор бермасликни таъкидлаган. Маҳмудхўжа Бехбудийнинг «Ақида ва виждони миллийлариға тасарруф этмайдурки, бул Қуръони каримни бошқаларнинг дину

<sup>4</sup> Марказий Осиё динлари тарихи / Масъул муҳаррир Ш. Ёвқочев. – Тошкент: Тошкент давлат шарқшунослик институти, 2006. – 45 б.

<sup>5</sup> Ўша манба. – 66 б.

<sup>6</sup> Инжил, Тавротдан Ибтидо ва Забур // Таржимонлар Валий Зуннун, Иброҳим Абаев. – Туркия: Туркия муқаддас китоб жамияти, 1995. – 150 б.

<sup>7</sup> Шайх Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуф. Тафсири Ҳилол. 1-жуз. – Тошкент: Nilol-Nashr, 2017. – 253 б.

<sup>8</sup> Шайх Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуф. Тафсири Ҳилол. 2-жуз. – Тошкент: Nilol-Nashr, 2017. – 236 б.

<sup>9</sup> Абдулазиз Мансур. Қуръони карим маъноларининг таржима ва тафсири. – Тошкент: Тошкент ислом университети, 2017. – 253 б.

<sup>10</sup> Форобий Абу Наср. Фозил одамлар шаҳри. – Тошкент: А.Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 1993, – 224 б.; Форобий Абу Наср. Рисолалар. – Тошкент: Фан, 1975. – 250 б.; Беруний Абу Райҳон. Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар. Танланган асарлар. 1-жилд. – Тошкент: Фан, 1968. – 486 б.; Имом Бухорий. Бухорий – Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорий. Ал-Адаб ал-муфрад. – Тошкент: Ўзбекистон, 1990. – 197 б.; Имом Термизий. Термизий сунанлари. – Тошкент: Ўзбекистон, 1999. – 112 б.; Амир Темур. Темур тузуклари. – Тошкент: Ўзбекистон, 2016. – 184 б.; Мирзо Улуғбек. Тўрт улус тарихи. – Тошкент: Чўлпон, 1993. – 150 б.; Алишер Навоий. Ҳайратул аброр. – Тошкент: Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1989. – 304 б.; Абдурауф Фитрат. Раҳбари Нажот. – Тошкент: Шарқ, 2000. – 285 б.; Маҳмудхўжа Бехбудий. Танланган асарлар. – Тошкент: Маънавият, 1999. – 280 б.

<sup>11</sup> Абу Наср Форобий. Фазилат, бахт-саодат ва камолот ҳақида. – Тошкент: Ёзувчи, 2001. – Б.27-28.

виждонининг озода қўйганидан ва умарои исломнинг ғайридинларни ҳимоя этганларидандур»<sup>12</sup> ғоясида ислом динидаги миллатлараро бағрикенглик улуғланади. Абдурауф Фитрат «Раҳбари нажот» рисоласида «Дин ахлоқий ҳукмлардан иборат бўлиб, ўз тобеларини икки дунё саодатига етказди, инсон ҳаётининг самараси шу саодати дорайн асри»,<sup>13</sup> деб таъкидлайди. Бу эса, фуқароларнинг энг асосий фазилати уларнинг ирқий, миллий, диний нуфузида эмас, балки ўз борлигини инсонийликка бағишлашида эканлигидан далолат беради.

Буюк ислом олимлари Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф, Алоуддин Мансур, Муҳаммад Тақий Усманий, Доктор Муҳаммад Саид Рамазон Бутий ва Муҳаммад Саййид Тантовий<sup>14</sup> ўзларининг сиёсий, диний ва ижтимоий бошқарув фаолиятида диний ҳамда дунёвий бағрикенглик маданияти мутаносиблиги жамиятда тинчлик ва барқарорликнинг кафолати эканлигини таъкидлашган.

Хориж олимларидан Ю.Хабермас, С.В.Резник, У.Рудолф<sup>15</sup>лар ислом динида бағрикенглик маданиятининг намоён бўлишига алоҳида эътибор қаратганлар. Немис файласуф олими Ю.Хабермас: «Бағрикенглик – либерал жамият фуқароларидан талаб қилинадиган сиёсий фазилат»,<sup>16</sup> деб таъкидлаган, бу эса, бағрикенглик ўзига нисбатан хавф-хатар, зўравонликни ҳис қилган ҳолда муҳолиф тарафнинг қараш ва ёндашувларини ҳурмат қилиши лозимлигини англатади.

Россия олимлари Л.Р.Сюкияйнен, А.В.Сагадеев, М.Т.Степанянц, Н.М.Вагабов, Р.Г.Измайлов<sup>17</sup>лар ўз асарларида инсоннинг муайян динга нисбатан эътиқод ва амал қилишини ижтимоий ҳодиса деб баҳолаб, диний бағрикенглик амалиётининг ўзига хос хусусиятларини баён қилганлар. Шунингдек, Қирғиз миллий университети доценти И.Э.Мирсайитов,<sup>18</sup>

---

<sup>12</sup>Маҳмудхўжа Бехбудий. Танланган асарлар // Тўпловчи, сўзбоши ва изоҳлар Б. Қосимов. 2-нашр. – Тошкент: Маънавият, 1999. – 101 б.

<sup>13</sup>Маънавият юлдузлари (Марказий Осиёлик машхур сиймолар, алломалар, адиблар) // Масъул муҳаррир Хайруллаев М.М. – Тошкент: А.Қодирий номидаги халқ мероси нашр., 1999. –376 б.

<sup>14</sup>Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф. Тафсири Хилол. 6 жуз. – Тошкент: Шарқ, 2012.; Ҳадис ва Ҳаёт тўплами 34 жуз. – Тошкент: Nilol-Nashr, 2013; Одоблар хазинаси. 4 жуз. – Тошкент: Шарқ, 2009; Рухий тарбия. 3 жуз. – Тошкент: Шарқ, 2008; Фикҳий йўналишлар ва китоблар. – Тошкент: Шарқ, 2011; Сунний ақидалар. –Тошкент: Шарқ, 2011; Муҳаммад Тақий Усманий. Такмилоту фатҳил Мулҳим. Дорул қалам. 1-нашр. Муҳаммад Саййид Тантовий. Асарот ан торийқит-гасаввуфир-рошид. 1-нашр, 1408 х.й.; Муҳаммад Саид Рамазон Бутий. Ал-Ҳикам вал-Атоийя шарҳ ва таҳлил. – Байрут: Дорул фикр, 2003; Доктор Муҳаммад Саид Рамазон Бутий. Шахссийётун иставафатни. 2 нашр. – Дамашқ: Дорул фикр, 1999.

<sup>15</sup> Резник С.В.Идеологеми и концепты войны и мира в исламе: дис. ... канд. филос. наук. – Белгород, 2004. – 176 с.; Рудольф У.Ал-Мотуридий ва Самарқанд суннийлик илоҳияти. – Тошкент: Имом ал-Бухорий халқаро жамғармаси, Фридрих Эберт жамғармаси, 2002. – Б.37-38.

<sup>16</sup>Мусаев О. Р. Ўзбекистонда диний бағрикенглик амалиётининг ўзига хос хусусиятлари // Фалсафа ва ҳуқук. № 1. –Тошкент, 2017. – 24 б.

<sup>17</sup>Вагабов Н.М. Ислам и глобализация современного мира: социально-философский анализ процессов адаптации и эволюции мусульманских религиозно-правовых доктрин: дис. ... д-ра филос. Наук. -Махачкала, 2005. -433 с.: Измайлов Р.Г. Основные элементы социальной доктрины ислама: дис. ... канд. филос. наук. - Москва, 2006. -167 с.

<sup>18</sup>Мирсайитов И.Э. Особенности политического ислама в Центральной Азии: автореф. ...канд. полит.наук; МО Кыргызской Республики Кыргызский нац. ун-т им. Ж.Баласагына. – Бишкек, 2005.– 24 с.



Малайзия халқаро ислом университети олимлари Малик Бадри<sup>19</sup> ҳамда Ханан Доверлар ҳам диний бағрикенглик ва дин психологиясига оид илмий изланишлар олиб борганлар. Истанбул университетининг Илоҳиёт факультети профессори Доктор Муртазо Бедир, Мармара университети Илоҳиётшунослик факультети профессори Неждет Тосун, Ибн Халдун университети профессори Режеп Шентуркнинг рисола ва илмий мақолаларида миллатлараро, динлараро ижтимоий бағрикенглик намоён бўлишининг ўзига хос хусусиятлари очиб берилган.

Ўзбекистон олимлари А.Э.Абдусамедов, С.О.Отамуратов, А.С.Очилдиев, И.А.Хўжамуродов, И.С.Саифназаров, З.Д.Давронов, А.Ўтамуродов, О.Р.Мусаев, З.Э.Маркаев, М.А.Артиқовлар динлараро бағрикенглик ва миллатлараро тотувликнинг фалсафий жиҳатларини ёритган бўлсалар, У.Р.Кушаев, З.М.Хуснидинов, Ғ.С.Кароматов, А.Ғ.Абдушукуров, А. Мирзахмедов ва С.С.Абдуллаевлар маънавий маданиятнинг такомил босқичларида миллатлараро, динлараро ижтимоий бағрикенгликнинг намоён бўлишига оид номзодлик ва докторлик диссертацияларини химоя қилганлар.<sup>20</sup>

Диссертация тадқиқоти давомида турли даврларда нашр этилган адабиётлар ва илмий тадқиқот ишларининг таҳлили натижасида ислом дини бағрикенглик маданиятининг бошқа динлардаги бағрикенглик билан қиёсий таҳлил қилинмаганлиги аниқланди. Шу боис, тадқиқот ишида динлараро бағрикенгликни қиёсий таҳлил этиш, ислом динидаги бағрикенглик маданиятини янги дунёқараш нуқтаи назаридан фалсафий таҳлил қилишга ҳаракат қилинди.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасаси илмий тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Тадқиқот иши Ўзбекистон Миллий университети илмий тадқиқот ишлари режасининг «Марказий Осиё халқлари маънавий, маданий, диний қадриятлари ва ҳозирги замон» мавзуси доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** бағрикенглик маданиятининг ислом динида намоён бўлиш хусусиятларини очиб беришдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

ислом динидаги бағрикенглик маданиятининг жамиятда шахслараро, динлараро мурося воситаси эканлигини очиб бериш;

Қуръони карим суралари ва ҳадислардаги бағрикенглик маданияти ғояларининг диний-маърифий йўналишларини таҳлил этиш ҳамда уларнинг фалсафий аҳамиятини асослаш;

---

<sup>19</sup> Бадри М. Теория и практика исламское психологии / под ред. О.С. Павловой, В.С.Полосина. – Москва: АНО НПЦ “Аль Васатъя-умеренность”, 2018. – 268 с.

<sup>20</sup> Кушаев У.Р. Жаҳон динларида бағрикенглик ғояларининг уйғунлиги: фалсафа фан. д-ри дис... автореф.; ЎзРесп. Вазирлар маҳкамаси ҳузуридаги Тошкент ислом ун-ти. – Тошкент, 2017. - 45 б.; Ҳасанов А., Мунавваров З., Миноваров Ш., Сирожиддинов Ш. Ўзбекистон: динлараро ҳамжиҳатлик – тинчлик гарови. – Тошкент: Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети, 2005. – 48 б.; Ислом ва дунёвий-маърифий давлат / З.И.Мунавваров ва В.Шнайдер-Детерснинг умумий таҳрири остида. – Тошкент: Имом ал-Бухорий халқаро жамғармаси, 2003. – 292 б.; Хуснидинов З. Ўзбекистонда диний бағрикенглик. – Тошкент: Тошкент ислом университети, 2006. – 162 б.

дунёвий ва диний бағрикенглик маданияти уйғунлигининг ёшларда ўзаро ҳурмат, сабр-тоқат, мураса маданиятини шакллантиришдаги ўрнини асослаш; диний бағрикенглик маданияти меъёрларининг бузилиши жамият тараққиёти хавфсизлигига таҳдид эканлигини исботлаш;

давлатнинг динга оид сиёсатида виждон ва эътиқод эркинлигини таъминлаш, диний бағрикенглик маданияти имкониятларидан фойдаланишга доир амалий таклифлар беришдан иборат.

**Тадқиқотнинг объектини** бағрикенглик маданиятининг ислом динида намоён бўлиш хусусиятлари ва ўзига хос жиҳатлари ташкил этади.

**Тадқиқотнинг предмети** ислом динида бағрикенглик маданиятининг намоён бўлиши, ривожланиши ҳамда давлат ва жамият ҳаётида диний муносабатлар барқарорлигини таъминлаш билан боғлиқ жараёнлардан иборат.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқотда умумий ўзаро алоқадорлик, тарихийлик, тизимлилик тамойиллари, мавҳумликдан аниқликка юксалиш, таҳлил, умумлаштириш усуллари ва интервьюлардан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

ислом динида муҳим ўринга эга бўлган мотуридия таълимотидаги соф ақида (عقيدة) ва калом (كلام) асосида ҳозирги кундаги ёшларнинг дунёқарашини шакллантиришда мўътадиллик, сабр-тоқат, мураса тамойиллари миллий қадриятлар ва бағрикенглик билан боғлиқлиги очиб берилган;

ҳанафийлик таълимотининг бош ғояси бўлмиш «бағрикенглик» асосида Абу Ҳанифанинг ал-Фикҳу-л-акбар», Абу Ҳафс Насафийнинг «Ақоиду-н-Насафий», Усмон Ўшийнинг «Бадъу-л-амолий» асарлари асл матнларида келган таълимотларга суянган ҳолда диний ва дунёвий билимлар уйғунлигида ҳозирги кунда глобаллашув шароитида юзага келаётган турли ақидапараст оқимларнинг ғояларига қарши маънавий дастакни яратиш, турли минтақалардан Ўзбекистонга интернет орқали импорт қилинаётган деструктив оқим қарашларига қарши раддия бериш асосланган;

Ўзбекистонда виждон эркинлигини таъминлашда бағрикенглик ғояларига таянган ислом динининг маърифий (ўзга дин вакиллари фикрини ҳурмат қилиш, турли диний қарашларга нисбатан тоқатли бўлиш, рационал ҳамда прагматик тарзда ҳаракат қилиш, ўзига хос диний позицияга эга бўлиш каби) тамойилларини фуқароларнинг турли қатламлари онгига (اية) оят, (خديث) ҳадис, (اجماء) ижмоъ, (قياس) қиёс, (استحثان) истехсон, (عرف) урф орқали сингдириш, жамиятни бирлаштиришда нақшбандия тариқатининг «Дил-ба ёру даст ба-кор» ақидасидан унумли фойдаланиш самарали натижалар бериши асосланган;

ўзбек халқининг диний бағрикенгликни юксалтириш анъаналари, «миллий манфаатлар уйғунлиги», «муқобиллик», «тенглик», «ижтимоий адолат», «миллий урф-одат» сингари бирлаштирувчи, етакловчи ва уюштирувчи тамойиллари (اهل السنة والجماعة) «аҳли сунна ва-л-жамоа» ақидаси ҳамда мотуридийлик таълимоти асосида очиб берилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

бағрикенглик маданиятини шакллантириш учун диний манбалар маъносини ўрганиш, Шарқ мутафаккирларининг шахс тарбиясига оид ғояларидан ижтимоий-маънавий ҳаётда фойдаланишнинг ворисийликни таъминлаш воситаси эканлиги очиқ берилган;

ислом динининг нурли маърифий ғояларини билишнинг жаҳолатга қарши маърифат билан курашиш учун зарурлигини таълим ва тарбия жараёнида талаба-ёшлар онгига сингдириш лозимлиги асосланган;

шахслар, миллатлар ва давлатлараро мулоқотни ташкил этишда конценсусга эришиш усул ва воситаларини ташкиллаштириш, диний бағрикенгликка оид конференция ташкил этиш бўйича таклифлар ишлаб чиқилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** республика ва халқаро миқёсдаги илмий конференцияларда муҳокама қилинганлиги, хулосаларнинг амалиётга жорий этилганлиги, олинган натижаларнинг ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти унда баён этилган мулоҳазалар, назарий хулосалар ва таклифлардан диний таълим-тарбияни ташкил этиш, диний-маърифий ғояларнинг аҳамиятини ўрганишга оид илмий тадқиқот ишларида, давлат ва нодавлат ноижорат ташкилотлари ходимларида эътиқод эркинлигини тарбиялаш, диний бағрикенглик маданиятини шакллантиришнинг аҳамиятини англашга йўналтирилган илмий маърузаларда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти унда илгари сурилган фикр-мулоҳазалар ва хулосалар таълим тизимининг қуйи босқичида «Тарбия фани», олий таълим тизимида «Тарбия ва таълим фалсафаси», «Фалсафа», «Динлар фалсафаси», «Дин психологияси» каби фанлар бўйича маъруза матнлари, дарсликлар, ўқув қўлланмалари тайёрлашда, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмита томонидан давлат ва жамият ҳаётида диний бағрикенгликни юксалтиришнинг ташкилий-ҳуқуқий, истиқболли режа ва концепцияларини ишлаб чиқишда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Бағрикенглик маданиятининг ислом динида намоён бўлиш хусусиятларини ўрганиш бўйича ишлаб чиқилган таклифлар асосида:

ислом динида муҳим ўринга эга бўлган мотуридия таълимотидаги соф ақида (عقيدة) ва калом (كلام) асосида ҳозирги кундаги ёшларнинг дунёқарашини шакллантиришда мўътадиллик, сабр-тоқат, мураса тамойиллари миллий қадриятлар ва бағрикенглик билан боғлиқлигига оид таклиф-тавсиялардан Ўзбекистон Мусулмонлари идораси тасарруфидаги ислом ўрта махсус билим юртларида ёш авлодни тарбиялашга оид «Ислом ҳуқуқига кириш» ва «Қироат ва тажвид» ўқув қўлланмаларини тайёрлашда фойдаланилган (Ўзбекистон Мусулмонлари идорасининг 2021 йил 13 январдаги 94-сон маълумотномаси). Тадқиқот натижасида, Қуръони карим суралари ва ҳадислардаги бағрикенглик

ғояларига доир методологик тавсиялар ўқув қўлланманинг назарий методологик асосларини бойитишга, Қуръони карим суралари ва ҳадислардаги бағрикенглик ғояларидан жума маърузаларида фойдаланиш, ўрта махсус ислом билим юрти талабаларига диний бағрикенгликнинг инсонийликни сақлаш омили эканлигини тушунтириш ва унга амал қилишга ўргатишга хизмат қилган;

ҳанафийлик таълимотининг бош ғояси бўлмиш «бағрикенглик» асосида Абу Ҳанифанинг «ал-Фикҳу-л-акбар», Абу Ҳафс Насафийнинг «Ақоиду-н-Насафий», Усмон Ўшийнинг «Бадъу-л-амолий» асарлари асл матнларидаги таълимотларга суянган ҳолда диний ва дунёвий билимлар уйғунлигида ҳозирги кунда глобаллашув шароитида юзага келаётган турли ақидапараст оқимларнинг ғояларига қарши маънавий дастакни яратиш, турли минтақалардан Ўзбекистонга интернет орқали импорт қилинаётган деструктив оқим қарашларига қарши раддия беришга оид таклифлардан Ғарб ва Шарқ олимларининг халқаро ҳамкорлигини такомиллаштиришга йўналган илмий семинарлар ташкил этиш ҳамда «Қироат ва тажвид» ўқув қўлланмасини тайёрлашда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўзбекистондаги Ислом цивилизацияси марказининг 2020 йил 12 январдаги 24/21-сонли маълумотномаси). Натижада, ёшларда тинчлик ва барқарорликка таҳдид солувчи турли ғоявий мафкуравий хуружларга қарши замонавий теологик ёндашувлар шаклланиши, олимлар ҳамжамияти диний бағрикенглик ғояларидан касбий фаолиятида фойдаланишига хизмат қилган;

Ўзбекистонда виждон эркинлигини таъминлашда бағрикенглик ғояларига таянган ислом динининг маърифий (ўзга дин вакиллар фикрини ҳурмат қилиш, турли диний қарашларга нисбатан тоқатли бўлиш, рационал ҳамда прагматик тарзда ҳаракат қилиш, ўзига хос диний позицияга эга бўлиш каби) тамойилларини фуқароларнинг турли қатламлари онгига (اية) оят, (حديث) ҳадис, (اجماء) ижмоъ, (قياس) қиёс, (استحثان) истехсон, (عرف) урф орқали сингдириш, жамиятни бирлаштиришда нақшбандия тариқатининг “Дил-ба ёру даст ба-кор” ақидасидан унумли фойдаланишга доир таклиф-тавсиялардан «AZON NEW MEDIA» МЧЖ таркибидаги AzonTV–илмий-маърифий онлайн телеканалининг туркум кўрсатувлари «Камбағалликни йўқотиш учун ислом қандай ечим таклиф қилади?» ва «Алоҳида мавзу» рукни остида эфирга узатилган «Мусулмонлар – энг замонавий инсонлар (бўлиши керак)» мавзусидаги кўрсатувларни тайёрлашда ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқалари қўмитаси ишида фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқалари қўмитасининг 2020 йил 3 июлдаги 01/07/872-сон маълумотномаси). Илмий натижаларнинг амалиётга жорий этилиши AzonTV – илмий-маърифий онлайн телеканалда бир қатор туркум кўрсатувлар тайёрлаш ҳамда Ўзбекистонда шахслар, динлар ва миллатлараро бағрикенглик муроса маданиятини

шакллантиришнинг илмий жиҳатларини асослаш ва дипломатик алоқаларни ўрнатишга хизмат қилган;

Ўзбек халқининг диний бағрикенгликни юксалтириш анъаналари «миллий манфаатлар уйғунлиги», «муқобиллик», «тенглик», «ижтимоий адолат», «миллий урф-одат» сингари бирлаштирувчи, етакловчи ва уюштирувчи тамойилларига (اهل السنة والجماعة) оид таклифлардан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича Қўмитанинг диний бағрикенглик, миллатлараро тотувлик омили мавзусидаги фундаментал тадқиқот доирасида «Диний бағрикенглик маданияти», «Ўзбекистонда давлат ва дин муносабатлари» каби ўқув қўлланмаларни тайёрлашда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2019 йил 9 ноябрдаги 6298-сон далолатномаси). Илмий натижаларнинг жорий этилиши ўқув қўлланманинг «Жаҳолатга қарши-маърифат» мавзусини тайёрлаш, ислом динининг маърифий ғояларини аҳоли турли қатламлари онгига сингдиришга хизмат қилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 7 та республика ва 3 та халқаро илмий-амалий анжуманларда, шунингдек, Ўзбекистон халқаро ислом академияси «Исломшунослик ва ислом цивилизацияси ўрганиш ICESCO» ва «Ижтимоий-гуманитар фанлар» кафедраларида ҳамда Имом Бухорий номидаги Тошкент ислом институтида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши.** Диссертация мавзуси бўйича жами 17 та илмий иш, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этишга тавсия этилган илмий нашрларда 7 та мақола (5 та республика ва 2 та хорижий журналларда) чоп этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация кириш, уч боб, тўққиз параграф, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 124 бетни ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида тадқиқот мавзусининг долзарблиги ва зарурати, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, илмий янгилиги, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига боғлиқлиги, объекти, предмети, методлари, мақсади ва вазифалари, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти, амалиётга жорий қилингани, апробацияси, нашр этилган ишлар сони, тадқиқотнинг тузилиши асосланган.

Диссертациянинг «**Бағрикенглик маданиятининг ижтимоий аҳамияти ва унинг диний ва илмий манбаларда таҳлили**», деб номланган биринчи бобида «бағрикенглик маданияти» тушунчаси мазмунига оид замонавий ёндашувлар ва уларнинг ижтимоий аҳамияти тадқиқ этилган. Диний бағрикенгликнинг жамият тараққиёти ва инсон маънавий камолотидаги

ўрнини асослаш учун Ғарб ва Шарқ мутафаккирларининг қарашлари қиёсий таҳлил этилган.<sup>21</sup> Муаллиф фикрича, юнон файласуфи Арастуниги «Бағрикенгликдан – зарур вақтда, зарур миқдорда сарфлаш – фазилат» ғояси нафақат диний, балки дунёвий билимлар, шахслараро муносабатларни ташкил этишда муҳим аҳамиятга эга. Диссертацияда Муҳаммад алайҳиссаломнинг: «Албатта, дин энгилдир. Кимки динни оғирлаштиради, дин унга ғолиб келади. Осонлаштиринг, яқинлаштиринг ва хушxabар беринг»,<sup>22</sup> «Динда чуқур кетишдан сақланинг. Сизлардан олдингилар динда чуқур кетишдан ҳалок бўлганлар»,<sup>23</sup> «Мусулмон учун ўз биродарини кўрқитиш ҳалол эмас»,<sup>24</sup> деган ҳадислари ислом дини бағрикенглик ғояларининг ҳозирги даврдаги аҳамиятидан далолат қилади. Марказий Осиё мутафаккирларининг асарлари ҳам ҳозирги даврда динни тўғри англаш, унинг асл инсонпарварлик, бағрикенглик ғояларини тушуниш, халққа етказиш ва бағрикенглик маданиятини шакллантиришда муҳим аҳамиятга эга. Муаллиф фикрича, бағрикенглик маданияти инсоннинг дунёқараши билан боғлиқ, хурфикрлилик, ижтимоий фаоллик ва масъулият – бағрикенг инсонга хос сифатлар. Бағрикенглик маданияти ўзаро тушуниш ва муроса қилишга интилишнинг ифодасидир. Зеро, «Ислом дини бизни эзгулик ва тинчликка, асл инсоний фазилатларни асраб-авайлашга даъват этади».<sup>25</sup> Айнан шу маънода, бағрикенглик маданий меъёр ва ахлоқий қадрият сифатида эътироф этилади, объектив ва тарихий шарт-шароитлар туфайли унинг функциялари ёки маъноларининг аҳамияти янада ошади. Диссертант фикрича, бағрикенглик нафақат динлараро, балки инсонлараро муросага келиш воситасидир. Унда инсоннинг улуғворлиги, билим ва юксак маданияти намоён бўлади. Умар Хайём рубоийсида айтилганидек: «Инсоннинг қалби қанчалик тубанлашса, бурни шунча осмонга кўтарилади, у бурни билан қалби етмаган жойга интилади». Бу инсон қалби тубанлашуви меъёрининг бузилиши унда ҳар қандай бағрикенгликдан воз кечилишига ишорадир.

Шунингдек, диссертант “бағрикенглик” сўзи ўзбек тилида кўп қўлланилганлиги, лекин илмий атама сифатида илк бор шарқшунос олим

---

<sup>21</sup>Қаранг: Аристотель. Поэтика. – Ленинград, 1927; Платон. Собр.соч. В 3-х т.Т.2. – Москва: 1970; Форобий Абу Наср. Фозил одамлар шаҳри. –Тошкент: Ғ. Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1993; Форобий Абу Наср. Рисолалар. –Тошкент: Фан, 1975; Беруний Абу Райҳон. Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар. Танланган асарлар. 1-жилд. – Тошкент: Фан, 1968; Абу Али Ибн Сино. Тиб қонунлари. 3-жилд. –Тошкент: А.Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 1994; Амир Темур. Темур тузуклари. – Тошкент: Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1996; Мирзо Улуғбек. Тўрт улус тарихи. – Тошкент: Чўлпон, 1993; Алишер Навоий. Ҳайратул аброр. – Тошкент: Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1989; Абдурауф Фитрат. Раҳбари Нажот. – Тошкент: Шарқ, 2000; Маҳмудхўжа Бехбудий. Танланган асарлар. – Тошкент: Маънавият, 1999.

<sup>22</sup>Имом Бухорий. Саҳиҳ ал-Бухорий. – Дамашк: Дор ал-улум ал-инсония, 1993. – 23 б.

<sup>23</sup>Имом Насоий. Сунан ан-Насоий. Ар-Риёд: Дор ас-салам лин-нашр ват-тавзиъ, 1999. – 420 б.

<sup>24</sup>Абу Довуд. Сунан. Байрут: Дор ал-юсрва дар ал-Манҳаж, 2010. 5-жуз. – 458 б.

<sup>25</sup>Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида сўзлаган нутқини ўрганиш бўйича илмий-оммабоп рисола. – Тошкент: Маънавият, 2017. – 5 б.

Шамсиддин Бобохонов ўзбек тилига расмий атама сифатида истъомолга киритганлигини маълум қилади<sup>26</sup>.

Хуллас, бағрикенглик турли тил, хулқ-атвор, дунёқараш, эътиқод эгаларининг бирга яшаш маданиятидир. Бағрикенглик озчиликнинг кўпчиликни эшитишга эришиши ва кўпчиликнинг озчилик фикр-мулоҳазаларини ҳурмат қилишини тақозо этади.

Диссертацияда ислом динида бағрикенглик маданиятининг ривожланиш динамикаси таҳлил этилган. Зеро, исломдан бошқа динларни тан олмаслик ёки исломни ўзидаги мазҳабларни бирлаштиришга уриниш бағрикенгликнинг бузилишини намоён этади. Дин инсон ички дунёсини шакллантиришнинг энг таъсирчан воситасидир. «Дунёда динга ишончи бўлмаган халқ йўқ. Чунки муайян халқ динсиз, эътиқодсиз, бирор-бир нарсага ишончсиз ҳолда яшай олмайди».<sup>27</sup> Дарҳақиқат, диний ҳаётдаги ислохотлар ҳам соғлом ақлга асосланади. Чунки дин ҳам ижтимоий иқтисодий тараққиётга кучли таъсир кўрсатади. Ислום дини ўз номи билан тинчлик динидир. Ундаги асосий даъват инсонларни тинчликка чақириш, Ер юзида барқарор ҳаётни таъминлаш, кишиларни бир-бирига меҳр-мурувватли бўлишга, дини, миллати, ирқидан қатъи назар, ўзаро иззат-ҳурмат кўрсатишдан иборат. Меҳр-саховат бағрикенгликнинг муҳим шартларидан бири бўлиб, жамият аъзоларига нисбатан ҳурмат, ишонч, соф қалблик, самимийлик, камтарлик, поклик фазилатларини ўз ичига олади. Масалан, Covid-19 коронавирус пандемияси, Сирдарёдаги сув тошқини, Бухородаги тўфон, бир томондан, аҳолининг ўзаро бағрикенглиги, меҳр-саховатини намоёйиш қилса, иккинчи томондан, баъзиларнинг тубанлашуви - шу ҳалокатли вазиятдан фойдаланиб, моддий манфаатдорликнинг устуворлигини намоён этди.

Муаллиф фикрича, исломда динийлик ва дунёвийлик бир-бирини тақозо этади. Зеро, «Дин ўз мазмун-моҳияти билан азалдан жамият тараққиётига, кишиларнинг тафаккури ва маънавиятига, шу жамиятга холисона хизмат қиладиган маънавий комил инсонларни тарбиялашдек шарафли ишга хизмат қилиб келган»<sup>28</sup> демак, диннинг мақсади Аллоҳга эътиқод қилиш йўли билан комил инсонни тарбиялашга қаратилган.

Тадқиқотчи фикрича, ислом динининг бағрикенглиги Нақшбандийнинг «Дил-ба ёру даст ба-кор» - «Қалбинг Худода, кўлинг меҳнатда бўлсин» эзгу ғоясидаги эътиқод ва меҳнат уйғунлигини таъминлашда намоён бўлади. Шундай қилиб, бағрикенглик инсон ҳаёти маъносини белгилайди, унинг эътиқоди қандай йўналишда юксалишини намоёйиш этади. Пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссалом ҳадиси муборакларида: «Иймоннинг афзали сабр ва бағрикенгликдир»<sup>29</sup> деб марҳамат қилганлари инсонни инсон бўлишига даъватдир.

<sup>26</sup> Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери биринчи ўринбосари, юридик фанлари доктори, профессор Акмал Саидов билан ўтказилган интервьюдан.

<sup>27</sup> Мўминов А., Йўлдошхўжаев Ҳ., Раҳимжонов Д., Комилов М. Диншунослик. – Тошкент: ЎАЖБНТ Маркази, 2004. – 9 б.

<sup>28</sup> Уватов У. Иймон нури. – Тошкент: Ёзувчи, 1996. – 4 б.

<sup>29</sup> Минг бир ҳадис. Арабчадан Абдулазиз Мансуров таржимаси. – Тошкент: Ўзбек маскани, 1991. – 80 б.

Тадқиқотда глобаллашув жараёнининг миллий ва диний бағрикенглик маданияти ривожига таъсири очиб берилган. Муаллиф фикрича, глобаллашув шароитида диний бағрикенглик нафақат диндорлар, балки бутун жамият аъзоларининг эзгулик йўлидаги ҳамкорлигига асосланиши лозим. Ҳозирги замонда диний бағрикенглик маданияти дунёда тинчлик ва барқарорликни сақлаш, диний экстремизм, фундаментализм ва ақидапарастликка қарши курашда жаҳон ҳамжамиятининг ҳамкорлигида муҳим аҳамиятига эга.

Хулоса қилиб айтганда, бағрикенглик маданиятини ўрганишда миллий бағрикенглик ўзбек халқининг миллий кадриятларидан бири ҳисобланади.

Диссертациянинг «**Ислом динидаги бағрикенглик маданияти – тинчлик ва барқарорликни таъминлашнинг муҳим омили**» деб номланган иккинчи бобида ислом дини назарий манбаларида бағрикенглик маданиятининг талқини таҳлил этилган. Муаллиф Ўзбекистондаги ўн олтита диний конфессиянинг ўзаро ҳамкорликдаги фаолияти йўналишларини Тошкент шаҳрида «Бир само остида» шиори билан ўтган халқаро мусулмон-насоний конференцияси, Рус православ черкови Тошкент ва Ўрта Осиё епархиясининг 125 йиллик тантаналарида барча диний конфессия вакилларининг иштироки, Тошкент ислом институти ва рус проваслав семинарияси ҳамкорлигида ўтказилган<sup>30</sup> тадбирлар мисолида асослайди. Маълумки, ислом динини қабул қилган ҳар бир мусулмон учун диний талабларни бажариш қаторида ўзгаларга, хатто, бошқа дин вакилларига нисбатан бағрикенг бўлиш талаб қилинади. Ислом динидаги бундай жиҳат инсоннинг маънавий-ахлоқий камолотини белгилаб беради. Ислом динида эзгулик, меҳр-саховат ва оқибат юксак кадрланади. Диний нуктаи назардан, Аллоҳ инсонни ўзига хос бағрикенглик табиати билан яратган. Яъни, инсоннинг ҳақиқий моҳияти сабр-тоқатга асосланади, сабрлилик инсоннинг муҳим ахлоқий фазилатларидан биридир. Дарҳақиқат, ўзга халқлар тили, урф-одатлари ва анъаналарига чуқур ҳурматда бўлиш, уларнинг ўзлигини сақлаб қолиш, маданий-маърифий эҳтиёжларини рўёбга чиқаришга имконият яратиш ва ҳар томонлама ёрдам кўрсатиш ўзбекона бағрикенглик ифодасидир. Айнан мана шундай бағрикенглик маданиятининг беназир намуналарини сақлаб қолиш, асрлар синовидан олиб ўтиш ва ўзга маданиятларнинг аҳамиятли натижалари билан бойитишга шароит яратади. Ўз навбатида, бундай муносабат халқимизга хос бўлган ахлоқ-одоб меъёрлари, маънавий кадриятларнинг ўзга халқлар томонидан қабул қилинишига йўл очгани ҳам тарихий ҳақиқатдир.

Муаллиф ислом дини таълимотларида Ер юзидаги ёвузлик, ноҳақлик, адолатсизлик, зўравонлик, одам ўлдириш, қон тўкиш каби жиноятлар қораланишини асослаган ва ҳозирги кунда амал қилаётган ислом радикализи ислом дини ғояларига зид эканлигини очиб берган. Масалан, ислом таълимотларида мусулмон мамлакатларида яшаётган ўзга дин вакиллари ҳам мусулмонлар билан тенг ҳуқуққа эга. Самарқандлик фақиҳ, муфассир Абу

---

<sup>30</sup>Конфессиялараро мулоқот ва диний бағрикенглик – жамият барқарорлиги гарови мавзусида ўтказилган Республика илмий-амалий конференция материаллари. <https://islaminstitut.uz/1785>



Лайс ас-Самарқандийнинг (ваф. 1003 й.) «Бахр ал-улум» номли тафсир китобида Қуръони карим Мумтаҳана сураси 9-оятида: «Дин тўғрисида сизлар билан урушмаган ва сизларни ўз юртингиздан (ҳайдаб) чиқармаган кимсаларга нисбатан яхшилик қилишингиз ва уларга адолатли бўлишингиздан Аллоҳ сизларни қайтармас. Албатта, Аллоҳ адолатли кишиларни севар» ояти шарҳида «Сизлар билан динда уруш қилмаган ўзга дин вакиллари билан борди-келди қилинг, улар билан адолатли муомала қилинг», деб ёзади. Ғарблик диншунос (тарихчи) Марк Сайс (1879-1919 й.) Ҳорун ар-Рашид давридаги бағрикенгликни: «Масиҳийлар, бутпарастлар, яҳудийлар ва мусулмонлар баб-баробар ҳукумат хизматида ишлар эдилар» (*Darü'l Islam*, 1904), деб ёзган ёки Халифа Маъмун ўз «Академияси»га турли дин ва мазҳаб соҳиблари бўлган олимларни тўплаб, уларга: «Илмдан нимани хоҳласангиз, баҳс қилаверинглар, фақат тоифачилик муаммоси келиб чикмаслиги учун ҳар ким ўз диний китобидан далил келтирмаса, бўлди» дегани, Умар ибн Абдулазиз Басранинг амири Адий бин Артога: «Қўл остингдаги ёши катта, қуввати кетиб заифлашиб қолган ёхуд тирикчилигидан айрилиб қолган зимма аҳлини (ғайридинлар) аниқла. Сўнгра уларга халқнинг моли (байтулмол)дан аҳволларини ўнглайдиган миқдорда нафақа жорий қилиб қўй», деб нома юборган (Имом Абу Юсуфнинг «Ал-Харож» китоби 145-бет) динлар ўртасида яхши муносабатлар шаклланишига асос бўлиб хизмат қилган. Шунингдек, Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламнинг: «Ким аҳли зиммидан бир кишини ўлдирса, жаннатнинг ҳидини ҳам ҳидламайди. Албатта, унинг ҳиди етмиш йиллик масофадан келиб турар» ва «Ким бир аҳдлашган (ғайридин) кишига зулм қилса ёки унинг ҳаққини поймол этса ёхуд уни тоқати етмайдиган нарсага мажбур қилса ёки ундан ўз розилигисиз бир нарса олса, қиёмат куни мен ўша одамнинг хусуматчиси бўламан», деган ҳадисларининг ўзи кифоя қилади. Бу эса, ислом бағрикенглиги туфайли мусулмонларга Аллоҳнинг барча пайғамбар ва расулларига иймон келтириш, уларни ҳурмат билан ёдга олиш, уларнинг издошларига яхши муносабатда бўлиш, яхши қўшничилик қилиш, уларнинг ибодат маконларини ҳимоя этиш, эътиқодларига аралашмаслик, ҳукмда жабр қилмасликнинг исботидир.

Диссертацияда диний манбалар Қуръони карим ва ҳадиси шарифларда ёмонлик, зулм, зўравонлик, бузғунчилик қораланганлиги, бағрикенглик ғоялари улуғланганлиги асосланган. Шунингдек, ҳанафийлик таълимотининг асосларидан бўлган Абу Ҳанифанинг «Ал-Фикҳу-л-акбар», Абу Ҳафс Насафийнинг «Ақоиду-н-Насафий», Усмон Ўшийнинг «Бадъу-л-амолий» асарларидан унумли фойдаланиш орқали ёшларда диний ва дунёвий билимларни кучайтириш, глобаллашув шароитида юзага келаётган турли ақидапараст оқимларнинг ғояларига қарши маънавий дастак яратиш, турли минтақалардан Ўзбекистонга интернет орқали импорт қилинаётган деструктив оқим қарашларига қарши раддия беришга асосланган билимга эга бўлиш ва етарли кўникма шаклланган бўлиши кераклиги таъкидланган.

Диний бағрикенглик, энг аввало, динлараро, конфессиялараро мулоқотнинг таъминланиши билан боғлиқ. Зеро, ўзаро ҳурмат, тенглик,

ишонч ва ҳамжихатликка асосланган соғлом мулоқот ҳар қандай диний конфессиянинг глобаллашув шароитида ўз ўрни ва мавқеини сақлаб қолишнинг энг муҳим воситасидир.

Тадқиқотда ислом динида бағрикенглик ва ҳамжихатлик ғояларининг ўзаро алоқадорлиги асосланган. Муаллиф фикрича, 2017 йил сентябрда БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг «Маърифат ва диний бағрикенглик» резолюциясини қабул қилиш таклифи ва 2018 йилда унинг халқаро ҳамжамият томонидан қабул қилиниши, халқаро диний ташкилотлар билан ҳамкорлик алоқаларини такомиллаштириш мақсадида диний бағрикенгликни таъминлаш бу йўлдаги далил қадамлардан биридир. Шунингдек, дунёда терроризм авж олаётган ҳозирги даврда диний бағрикенглик маданиятини кенг тарғиб қилиш, халқаро кучларни бирлаштириш зўравонлик вирусига қарши восита сифатида муҳим аҳамиятга эга.

